

"29" 11

2022 йил.

Бухоро шаҳри

Буюртмачи бўлган кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб Ўзбекистон Рсепубликаси ИИБ Бухоро вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошкармасининг махсус эксплуатация-монтаж бўлими номидан Жумаев А., Низом асосида иш юритувчи бир тарафдан ва кейинги ўринларда "Ижрочи" деб «МЧЖ "Ultramax Road Build" аталувчи номидан Раҳбар М. Миразизов, Низом асосида иш юритувчи иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Давлат харидлари электрон тизимида танлов ўтказилган электрон давлат хариди натижаси бўйича қуйидагича шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи буюртмага асосан қуйидаги кўрсатилган махсулотларни (кўрсатилган хизмат) етказиб беради, "Буюртмачи" эса махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятларини олади.

Спецификация:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Товар сони	Бирлик учун бошланғич нарх	Бирлиги учун келишилган нарх ККС билан	Позиция учун келишилган сумма ККС билан
1	Graco Line Lazer V 3400 Серии Standart	дона	1	120 000 000	110 000 000	110 000 000
Жами						110 000 000

Шартноманинг умумий суммаси: 110 000 000 (Бир юз ун миллион) сум, ККС билан

2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Шартнома амалга ошганидан сунг Буюртмачи "Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига шартноманинг умумий суммасидан 30% олдиндан (аванс) туловини амалга оширади. Шартнома суммасидан қолган 70% туловни махсулотни қабул қилиб олгандан сунг тулаб беради.

2.2. Ижрочининг ҳисоб рақамига 30% тўлов амалга оширилганидан сунг 30 иш куни ичида товарни етказиб бериши шарт.

2.3. Буюртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки офёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг ишгиирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.

2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).

2.5. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисобварақ-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ижрочидан мазкур шартноманинг 1 бандига мувофиқ бўлган миқдордаги ва сифатдаги товарни етказиб беришни талаб қилиш;
- Ижрочи талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган товар етказиб берганда Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- талаб даражасидаги сифатли товарга алиштириб беришни;
- етказиб берилган товардаги камчиликларни Ижрочи ҳисобидан бартараф этилишини;
- мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки белгиланган даражада бажармаганлик.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Битим суммасининг 100% миқдоридаги тўловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда «Ижрочининг» ҳисобрақамига ўтказиши лозим;
- товарни етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан келишиб олиш;

3.3. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Буюртмачи билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин етказиб бериш;
- Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган товарни қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

- товарни етказиб бериш санаси ва вақтини «Буюртмачи» билан келишиб олиш;
- товарни етказиб бериш жараёнида аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига кўра етказиб беришнинг белгиланган муддатигача бартараф этиш.

3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим.

3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаритишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

4.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, ижрочидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима ижрочидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга мурожаат қилишлари мумкин.

5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўтти бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, zilзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташишлар (томонлар ишчиларининг иш ташишларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.3. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа

томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буёртмачидан олинган барча тўловларни Буёртмачига қайтаради ва Буёртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.3. Хар бир тараф шартнома татбиқида коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олиди ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органи, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди.

7.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган захоти кучга кирази ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бухоро вилояти ИИБ
Жамоат хавфсизлиги хизмати йул ҳаракати
хавфсизлиги бошқармасининг махсус эксплуатация-
монтаж бўлими
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри

ИНН: 201301393

Рахбар: А. Жумиев

ИЖРОЧИ

MChJ "Ultramax Road Build"

Toshkent shaxri,
Yunusabad rayoni, Chinabad, 85
XR 2020 8000 5054 8217 1001
AIKB "Ipak Yoli"
Bank M. Ulugbek filiali
MFO – 00421 OKED - 46730
INN -309 219 859

Raxbar:

M. Mirazizov

Присл: Сей З. Сагдулов